

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХАБАРНОМАСИ

INFOLIB

ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫЙ ВЕСТНИК



№4 2017
ISSN 2181-8207

УШБУ СОНДА:

ҲАР ОИЛАНИНГ ЎЗ КИТОБИ,
ЎЗ КУТУБХОНАСИ БЎЛСИН

10 бет

INFOLIB – 2017
VI МИЛЛИЙ АХБОРОТ-
КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ

14 бет

УНИКАЛЬНАЯ
ТЕХНОЛОГИЯ
ВО ВСЕМ МИРЕ ДЛЯ
АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ
РЕКОНСТРУКЦИИ
КУЛЬТУРНЫХ НАСЛЕДИИ


24 бет

УДИВИТЕЛЬНЫЙ СПЛАВ,
СОХРАНЕНИЯ, И
ПРЕУМНОЖЕНИЯ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО
НАСЛЕДИЯ СТРАНЫ

40 стр.

НЕКОТОРЫЕ ГЛАВНЫЕ
ОСОБЕННОСТИ АРАБСКИХ
РУКОПИСЕЙ

74 стр.





Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимлари Наргиза Зоитова ва Жўрахон Соатовалар «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонлари билан тақдирланди

*Билдирилган таклиф ва тавсияларнинг барчасини инобатга олиб, мен янги – 2018 йилга юртимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб ном беришни таклиф этаман.*

Шу ўринда фаол тадбиркорлик деган тушунчага қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илгор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион гоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги гояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан



УШБУ СОНДА: В НОМЕРЕ:

«INFOLIB» –
ахборот-кутубхона хабарномаси
Информационно-библиотечный вестник –
«INFOLIB»

- 3 **ТАХРИРИЯТДАН – ОТ РЕДАКЦИИ**
Ушбу сонда
- 4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори
- 6 **МИНБАР – ТРИБУНА**
РГБ: Новый вектор развития научной и методической деятельности.
И. Тикунова
- 10 **УШБУ СОН МЕҲМОНИ – ГОСТЬ НОМЕРА**
Ҳар оиланинг ўз китоби, ўз кутубхонаси бўлсин. **Иқбол Мирзо**
- 12 **ЯНГИЛИКЛАР – НОВОСТИ**
Новости информационно-библиотечной сферы в мире
- 14 **INFOLIB – 2017**
«INFOLIB – 2017» VI Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги янгиликлари
- 24 **ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ – МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАКТИКА**
Уникальная технология для автоматизированной реконструкции культурного наследия. **Н. Бертрам**
- 28 Тюркские коллекции в Британской библиотеке: тайна разгадки. **М. Эрдман**
- 32 Национальная библиография и сохранение книжного наследия Беларуси.
Т. Кузьминич
- 36 Музеи Республики Казахстан как центры изучения рукописного и печатного наследия. **М. Мусаханова**
- 40 Библиотеки Америки: Удивительный сплав сохранения и преумножения интеллектуального наследия страны. **А. Гударзи**
- 42 Электронно-библиотечные системы: выбор и оценка эффективности использования. **Е. Ульянова**
- 46 Международные связи Российской Национальной библиотеки в XXI веке.
К. Морозова
- 50 О научно-методической деятельности Национальной библиотеки Азербайджана. **А. Гаджиева**
- 52 Халқаро китоб кўргазмасида ноширлар ҳамкорлиги. **Ф. Мусаев**
- 54 Маънавий меросни сақлашда халқаро тажриба. **А. Норбоев**
- АМАЛИЁТ – ПРАКТИКА**
- 56 «Bilim», чествуем твой славный юбилей! **В. Муратова**
- 58 Миллий кутубхонада вақтли матбуот нашрларининг электрон архиви.
Ф. Рўзиева
- 60 Жиззахда янги кутубхона. **А. Йўлдошев**
- 62 Организация деятельности ИРЦ медицинского вуза: перспективы развития.
Д. Мансурова
- 64 Кутубхона – тарих ва замон ўртасида кўприк. **Г. Саурова**
- 66 Имконияти чекланган фойдаланувчилар доим эътиборда. **А. Ибрагимова**
- 68 XXI асрда маълумот олишнинг замонавий кўринишлари. **М. Боймухамедова**
- 70 Китоб мутолаасида очиқ фондларнинг аҳамияти. **Ф. Нормуродова**
- 72 «Наша библиотека – это наш второй дом» 80 лет со дня основания библиотеки. **Е. Усманова**
- МЕРОС – НАСЛЕДИЕ**
- 74 Некоторые главные особенности арабских рукописей. **Ф. Махмудов**
- 78 Умумжаҳон маданий меросининг ажралмас қисми... **Ш. Пўлатов**
- 82 В Андижане 2017 год объявлен годом Захириддина Мухаммада Бабура.
Д. Солиева
- 84 «Шарҳ мухтасари-т-Таҳовий» асари ҳақида биласизми? **Қ. Махмудов**
- 86 «Ҳадиқат ул-Орифин» рисоласи. **А. Турдалиев**
- 88 Юнус Ражабий уй-музеи ҳақида. **А. Ражабий**
- 90 **МУҲИМ САНАЛАР – ПАМЯТНЫЕ ДАТЫ**
Муҳим саналар
- 94 **ЯНГИ АДАБИЁТЛАР – НОВЫЕ ПОСТУПЛЕНИЯ**
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондига келиб тушган янги нашрлар

№4 (12) 2017 й.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
маданий, маърифий, илмий-оммабоп
журнали, 2015 йилдан чиқа бошлаган

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Алишер Абдуазизов – раис

Кенгаш аъзолари:

Асаджон Ходжаев
Лазиз Тангриев
Шерзод Шерматов
Маҳмуджон Муродов
Умиджон Аъламов
Муродулло Холмухаммедов
Алишер Файзуллаев
Тўлқин Тешабоев
Бахтиёр Сайфуллаев

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шукур Курбон – бош муҳаррир

Ҳайъат аъзолари:

Умида Тешабоева
Нусрат Комилов
Раиса Ратнер
Зухра Бердиева
Абадбой Қиличбоев
Вероника Полякова

Аслиддин Жўраев – бош муҳаррир ўринбосари
Марина Ким – муҳаррир
Жавлон Жовлиев – мусахҳиҳ
Дилноза Зокирова – дизайнер
Бобур Тургунов – фотомуҳбир
Фаррух Мусаев – нашр учун масъул

Босишга 20.12.2017 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб табоғи 8,7.
ИНДЕКС 1277 ISSN 2181-8207

Журнал 2015 йил 10 мартда Ўзбекистон матбуот
ва ахборот агентлиги томонидан № 0846 рақами
билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчириб босилганда «INFOLIB» –
ахборот-кутубхона хабарномасидан олинди,
деб кўрсатилиши шарт.

Ушбу «INFOLIB» – ахборот-кутубхона хабарномаси
тахририятнинг компьютер марказида тайёрланди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй.
E-mail: info@natlib.uz Сайт: www.natlib.uz
Телефон: +99871 232 83 94

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонасининг матбаа бўлимида чоп этилди.
Буюртма № 475 Адади 1000 дон
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй

УШБУ СОНДА:

Мана, Сиз билан яна бир йилнинг адоғида учрашмоқдамиз. Шу ўтган вақт мобайнида журналимиз сизга манзур келиб, сизни қизиқтирган айрим саволларга жавоб берган бўлса, биз бундан чексиз миннатдормиз. Ахир, инсон ўз меҳнатининг натижасини, одамларга самарасини кўриб яна-да руҳланади, ўз устида кўпроқ изланади. Ахир, мана шу эл, мана шу халқ корига яраш саодати сизу бизнинг олий мақсадимиз-ку!

Ўтган йил кимларгадир улкан зафарлар, катта марралар, катта имкониятлар олиб келди. Кимларгадир синовлар, курашиш, меҳнат қилиш завқини ўргатди ва шу билан эсда қолган бўлса ҳам, ажабмас. Энг муҳими, ҳаётимиз ўзгаришлар, янгиланишлар ичида. Ахир, инсоннинг умри табиат сингари турфа хил тарзда йиллар занжирига тизилган-ку! Бу воқеликлардан тўғри хулоса чиқариш, янги марралар учун курашишга куч топиш биз учун катта аҳамият касб этади.

Бу йил кутубхона – зиё масканида меҳнат қилаётган минглаб кутубхоначилар ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришларга бой бўлди. Чунки юртимизда китоб ўқишга, кутубхонларининг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳатто ширин болакайларнинг таълим олиши, уларнинг ҳар томонлама етук, маънавиятли, баркамол авлод бўлиб ўсиши, улар ичида китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида ҳам мўъжаз ва қизиқарли кутубхоналар ташкил этилмоқда. Бу дегани, уларнинг митти, умиду орзуларга тўла юрагида ҳам кутубхона, китобга аталган зиё, меҳр нурлари экилмоқда. Болакайлар бизнинг келажақдаги фаол китобхонларимиз эканлигини унутмайлик.

Барчамизга маълумки, бу йил ҳам юксак кўтаранкилик билан «INFOLIB – 2017» VI Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ўтказилди. Ёшларнинг мутолаа маданиятини юксалтириш, маданий-маънавий меросимизни асраш, ахборот-кутубхона фойдаланувчиларига масофадан сифатли хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, янги замонавий технологиялардан фойдаланиш, аҳолининг турли қатламларига кутубхона хизматини кўрсатишда маърифат масканларининг ижтимоий-маданий ролини ошириш мақсадида анъанавий ўтказилиб келинаётган бу йилги ҳафталик ҳам қизиқарли дастурларга бой-

лиги билан алоҳида аҳамиятга молик бўлди.

Ҳафталик доирасида жамоат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўнлаб тадбирлар, соҳа мутахассислари ва китобхонлар учун семинарлар, давра суҳбатлари, танловлар, тренинглар, маҳорат дарслари ҳамда мамлакатимиздаги етакчи нашриётлар билан ҳамкорликда китоблар ярмаркаси, кўргазмалар, ёшларнинг маънавий-маданий билимини оширишга йўналтирилган тадбирлар, фан ва маданият намоёндалари, санъаткор ва ижодкорлар иштирокидаги ижодий учрашувлар ўтказилдики, булар узоқ вақт ёш мутахассисларнинг хотирасидан ўчмаслигига ишонимиз. Журналимизнинг қўлингиздаги сонини ўқиш орқали «INFOLIB – 2017» VI Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ҳақида етарлича маълумот ва таассуротларга эга бўласиз.

Мазкур сонда Сизни бефарқ қолдирмайдиган, бир-биридан қизиқарли, долзарб, мазмунли мақолалар ўрин олган. Аввало, шуни таъкидлашни истардикки, журналимизда маҳаллий муаллифлар билан бирга, хорижий муаллифларнинг соҳага оид мақолалари кенг ёритилмоқда. Уларнинг аксарияти, кутубхона ва китоб ишларида катта нуфузга эга бўлиб, ўз тажриба ва китоблари ҳақида ўзбек ўқувчиларига маълумот беришни ният қилишган. Бу йўлда биз йигирма бешдан ортиқ мамлакат муаллифлари билан ҳамкорлик қилаётганимиз қувонарли ҳол. Чунки бу мақолаларни ўқиш орқали чекка-чекка қишлоқларда туриб ҳам дунё кутубхоналари ҳақида етарлича маълумот олишлари мумкин.

Журналимизнинг сизга таниш ва қадрдон бўлган «Мерос» рукнида бугунги кун ўқувчиларига яхши таниш бўлмаган, аммо олимлар томонидан қизгин тадқиқ қилинаётган юртимиз кутубхоналари ва музейларида сақланаётган бир қанча нодир китоблар, қўлёзма асарлар ҳақида маълумот олишингиз мумкин.

Мана, журнал қўлингизда! Истаганча ўқиш, таҳлил қилиш, мулоҳаза юритиш имкониятига эгасиз. Ниятимиз – йиллар ўтган сайин журналимиз қалбингиздан, онгингиздан чуқурроқ жой олиб, маънан бойиб бораверинг. Йиллар бизни китоблар сингари бир-биримизга яқинлаштираверсин.

Яна бир бора, журнал жамоаси номидан, Сизни Янги йил байрами билан қутлаймиз. Оилангизга омонлик, кўнглингизга эса нурли лаҳзаларни тилаб қоламиз! ■

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

КИТОБ МАҲСУЛОТЛАРИНИ НАШР ЭТИШ ВА ТАРҚАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ,
КИТОБ МУТОЛААСИ ВА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ
БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда тегишли ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш, ташкилий-амалий ишларни замон талаблари асосида олиб бориш, бу масалага кенг жамоатчиликни жалб этиш бўйича кейинги пайтда бирмунча ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ўтказилган кузатиш ва таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг қўламда ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болалиқдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ноширлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, юртимизда соғлом рақобатга асосланган босма ва электрон китоблар бозорини шакллантиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда улкан аҳамиятга эга бўлган ана шундай муҳим вазифаларни комплекс ҳал қилиш, китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаш-

тириш, ўзбек ва дунё адабиётининг энг яхши намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига етказиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда кўзда тутилган қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилсин:

- китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, ноширлик ва матбаа соҳаларини янада ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- китоб маҳсулотлари бўйича давлат буюртмасининг асосий йўналишларини шакллантириш, адабий-бадиий, ўқув-услубий, илмий-назарий, илмий-оммабоп ва кўргазмали адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ихтисослаштирилган китоб дўконлари фаолиятини ривожлантириш;

- жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмалари бериш, уларни зарур нусхаларда юксак сифат билан нашр этиш ва молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш, китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш чораларини белгилаш;

- ахборот-кутубхона фаолиятини кучайтириш, таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондлари, кутубхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг «Маънавият хоналари»ни ўқув-услубий, техник адабиётлар, адабий-бадиий, маърифий ва илмий-оммабоп китоблар билан бойитиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

- наشريётлар ва матбаа соҳаси мутахассисларини, бадиий ва техник муҳаррирлар, графикачи рассомлар, ахборот-кутубхона ходимлари-

ни тайёрлаш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

- лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги илмий-техник, адабий-бадиий ва энциклопедик адабиётларни янада кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона марказларидаги барча турдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг ягона базасини шакллантириш ва ундан бошқа ахборот-кутубхона муассасаларида туриб фойдаланишни таъминлаш;

- қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини ташкил этиш чоралари тўғрисида тадбирлар режаси лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш;

- мамлакатимизда интернет орқали зарур адабиётларни топиш ва харид қилиш имконини берадиган eReader электрон ўқув қурилмаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларнинг ахборот базасига умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий, илмий-назарий манбаларни жойлаштириш, бундай маҳсулотларни арзон нархларда сотиб олиш механизмларини йўлга қўйиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- мазмунан саёз, миллий маънавият ва қадриятларимизга, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини кўриш;

- китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида «Энг китобхон мактаб», «Энг китобхон маҳалла», «Энг китобхон оила», «Энг фаол кутубхоначи» каби кўрик-танловларнинг саралаш ва республика босқичларини юқори савияда ўтказишни йўлга қўйиш.

2. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

- дастурда кўрсатилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш тегишли ва-

зирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳар бир шаҳар ва туманда китоб савдосига ихтисослаштирилган дўконларни ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларига фойдаланилмаётган давлат мулки объектларининг текин фойдаланиш учун берилишини таъминлайди;

- савдо айланмасида китоб сотиш улушининг ҳажми 70 фоиздан кўп бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларининг алоҳида статистик ҳисоби юритилади ва улар 2020 йил 1 январга қадар ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилади;

- Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига шу йўналишда мунтазам равишда махсус кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар тайёрлаш ва эълон қилиш тавсия этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларига китоб савдосига ихтисослаштирилган замонавий дўконлар, шунингдек, нашриёт ва матбаа корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш ҳамда янги китоб дўконларини қуриш учун Марказий банкнинг йиллик қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган фоизларда имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

- қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

- идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

Тошкент ш.,
2017 йил 13 сентябрь,
ПҚ-3271-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

РГБ: НОВЫЙ ВЕКТОР РАЗВИТИЯ НАУЧНОЙ И МЕТОДИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ



Ирина Тикунова,
Начальник
управления научной
и методической
деятельности,
заведующая Центром
по исследованию
проблем развития
библиотек в
информационном
обществе Российской
государственной
библиотеки, кандидат
философских наук

Научно-исследовательская и научно-методическая работа относится к числу уставных видов деятельности Российской государственной библиотеки (РГБ) как национальной библиотеки Российской Федерации и имеет глубокие исторические корни. Государственная библиотека СССР им. В.И. Ленина, правопреемником которой является РГБ, была включена в сеть научно-исследовательских учреждений РСФСР еще в 1932 г. Позднее, в 1984 г., на библиотеку были возложены функции всесоюзного координационного центра научно-методической и научно-исследовательской работы в области библиотековедения, библиографии и книговедения, головного всесоюзного научно-методического центра для всех библиотек, независимо от подчиненности. И сегодня РГБ продолжает оставаться одним из значимых научных и методических центров России по проблемам библиотечного дела, библиографии и истории книжной культуры.

Научно-исследовательская, научно-мето-

дическая и научно-информационная работа являются системообразующими функциями библиотеки, а их максимально полное выполнение – в числе стратегических задач, поставленных в «Программу деятельности ФГБУ «РГБ» на период 2013–2018 гг.». В нынешних условиях реализация этих функций потребовала создания иной инфраструктуры научно-исследовательской работы. В результате реструктуризации в феврале 2015 г. Научно-исследовательский отдел библиотековедения был преобразован в Центр по исследованию проблем развития библиотек в информационном обществе (ЦИПР), ориентированный на проведение прикладных научных исследований. В 2016 г. в его структуре был выделен сектор изучения особо ценных фондов, нацеленный на проведение книговедческих исследований. В настоящее время в Центре работают 20 научных сотрудников и 9 библиотечных специалистов.

В рамках формирования научной основы для развития библиотечного дела в Российской Федерации ЦИПР специализируется на библиотековедческих проблемах, связанных с интеграцией библиотечного дела в контекст информационного общества: комплектование фондов библиотек электронными ресурсами; участие библиотек в производстве и распространении информационной продукции; развитие библиотечных сервисов; современные средства научно-методического обеспечения библиотечной деятельности и др.

С целью получения актуальной и объективной информации о происходящих в библиотечном деле процессах, выявления инновационного библиотечного опыта ЦИПР проводит мониторинг по целому ряду параметров, например: библиотечные услуги, предлагаемые населению; электронные ресурсы, генерируемые библиотеками; способы комп-

ЧЕТЫРЕ ВАЖНЫЕ ЗАДАЧИ ЦИПР:



лектования электронными ресурсами; научно-методические услуги и ресурсы, предлагаемые федеральными и региональными библиотеками. Результаты исследований используются для выработки предложений по развитию нормативной базы в сфере библиотечного дела и государственной библиотечной политики, для подготовки государственных программ социального развития, касающихся вопросов организации библиотечного обслуживания населения, а также для подготовки методических рекомендаций.

Для решения задачи, связанной с введением в научный оборот информации о составе, содержании и бытовании особо ценных документов и коллекций из фондов РГБ, специалисты Центра концентрируют свои усилия на изучении рукописей, проводят исследования в сфере истории книжного искусства, занимаются составлением каталогов книжных коллекций РГБ, подготовкой рукописных документов к публикации.

В соответствии с российским законодательством Центр регистрирует научно-исследовательские работы по наиболее значимым темам в Единой государственной информационной системе учета результатов научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ гражданского назначения. Отчеты по зарегистрированным темам ЦИПР доступны на веб-сайте этой системы (www.rosrid.ru).

Задача развития стандартизации в сфере библиотечного дела возложена на ЦИПР как на базовое подразделение РГБ, которая в свою очередь является ведущей организацией в составе Подкомитета 2 «Библиотечное дело» Технического комитета 191 «Научно-техническая информация, библиотечное и издательское дело» Федерального агентства по техническому регулированию и метрологии (Росстандарта). В рамках этой деятельности ЦИПР участвует в разработке предложений в перспективные и текущие планы национальной стандартизации, инициирует и координирует разработку стандартов в РГБ, организует работу рабочих групп, привлекая ведущих специалистов из разных библиотек нашей страны, проводит обсуждение проектов и согласование всех поправок и предложений к ним, отвечает за прохождение всех процедур согласования и нормативного контроля новых документов в Росстандарте. С целью привлечения библиотечного сообщества России к обсуждению актуальных проблем и перспектив стандартизации

НОВЫЕ НАЦИОНАЛЬНЫЕ СТАНДАРТЫ, РАЗРАБОТАННЫЕ ПО ИНИЦИАТИВЕ ЦИПР, УТВЕРЖДЁННЫЕ РОССТАНДАРТОМ (2015–2016):



библиотечного дела страны ЦИПР организует проведение круглых столов в рамках крупнейших российских библиотечных форумов (международной конференции «Румянцевские чтения», ежегодной конференции Российской библиотечной ассоциации).

Последний из принятых стандартов имеет особое значение для библиотечного дела России, так как это первый не имеющий зарубежных аналогов нормативно-технический документ, в котором определены: основные характеристики электронных библиотек, необходимый набор видовых параметров, определяющий состав, структуру, функциональность, организационные основы электронной библиотеки. Стандарт объективно отражает научные и практические достижения российского библиотечного сообщества по данной теме, так как в рабочую группу по

В соответствии с российским законодательством Центр регистрирует научно-исследовательские работы по наиболее значимым темам в Единой государственной информационной системе учета результатов научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ гражданского назначения

В РАБОЧУЮ ГРУППУ ПО ПОДГОТОВКЕ ПРОЕКТА ВХОДИЛИ ПРЕДСТАВИТЕЛИ КРУПНЕЙШИХ БИБЛИОТЕК РОССИИ – ФЛАГМАНОВ В СОЗДАНИИ ЭЛЕКТРОННЫХ БИБЛИОТЕК:

	Российской государственной библиотеки
	Российской Национальной библиотеки
	Президентской библиотеки им. Б.Н. Ельцина
	Библиотеки по естественным наукам Российской академии наук
	Государственной публичной научно-технической библиотеки России



В рамках научно-методического обеспечения специалисты ЦИПР разрабатывают и издают научно-методические пособия, справочники, оказывают консультационную помощь по различным актуальным вопросам библиотечной практики, но прежде всего по направлениям своей специализации

подготовке проекта входили представители крупнейших библиотек России – флагманов в создании электронных библиотек: РГБ, Российской национальной библиотеки, Президентской библиотеки им. Б.Н. Ельцина, Библиотеки по естественным наукам Российской академии наук, Государственной публичной научно-технической библиотеки России.

В рамках научно-методического обеспечения специалисты ЦИПР разрабатывают и издают научно-методические пособия, справочники, оказывают консультационную помощь по различным актуальным вопросам библиотечной практики, но прежде всего по направлениям своей специализации

использования и обмена информационными ресурсами участников сети. Так, в 2016 г. началась работа по формированию базы данных «Сводный каталог изданий и неопубликованных документов центральных библиотек субъектов Российской Федерации». Чтобы познакомить библиотечных специалистов страны с новым проектом и привлечь библиотеки к его реализации был проведен вебинар «Сводный каталог изданий и неопубликованных документов региональных библиотек России: новый проект РГБ». Участниками и слушателями вебинара стали более 100 библиотечных специалистов из 9 национальных, 4 краевых, 30 областных, а также центральных городских и муниципальных библиотек, представлявших более половины регионов нашей страны: от Архангельска до Симферополя (Крым) и от Петрозаводска (Карелия) до Владивостока (Приморский край). Участники вебинара поддержали инициативу Центра, высоко оценили значимость нового ресурса для информационного обслуживания специалистов сферы культуры, внесли предложения по совершенствованию работы над каталогом. В настоящее время в подготовке «Сводного каталога» активно участвуют около 20 региональных библиотек, 10 из них работают в режиме онлайн.

Для выявления и распространения лучшего опыта по подготовке электронных информационных ресурсов ЦИПР проводит смотры-конкурсы. В 2017 г. на очередной конкурс среди библиотек на лучшее электронное издание поступило 75 заявок от государственных и муниципальных библиотек России.

Для обсуждения и решения проблем организации научно-информационной работы в сфере культуры Центр организует регулярные всероссийские совещания представителей библиотек. В 2015 г. в Санкт-Петербурге в рамках конференции «Информационно-аналитические проекты библиотек: вызовы XXI века» состоялось IX Всероссийское совещание руководителей служб информации по культуре и искусству «Информационно-аналитическое обеспечение сферы культуры: состояние и перспективы», организованное совместно с Санкт-Петербургским государственным институтом культуры (СПбГИК). В совещании приняли участие библиотечные специалисты из 18 регионов Российской Федерации.

Для научно-информационного обеспечения библиотечной деятельности, продвиже-





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3683> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3683> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3683>